

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҲИСОБ ПАЛАТАСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ВА ДАВЛАТ
МАҚСАДЛИИ ЖАМҒАРМАЛАРИ БЮДЖЕТЛАРИНИНГ 2017 ЙИЛДАГИ
ИЖРОСИ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ БЎЙИЧА
Х У Л О С А

Тошкент - 2018 йил

I. КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг ижросини таъминлаш мақсадида, Ҳисоб палатаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2017 йилдаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботи ташқи аудит ва баҳолашдан ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2017 йилдаги ижроси тўғрисидаги ҳисобот Ҳисоб палатасига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 6 апрелдаги 02/1-3343-сонли хати билан тақдим этилди.

Давлат бюджетининг 2017 йилги даромадлари ва харажатлари бўйича белгиланган режа кўрсаткичлари ижросининг ташқи аудити Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва унинг Ғазначилиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси ҳамда давлат мақсадли жамғармаларининг ҳисоботларидаги маълумотларни Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетлари ва Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг тақсимловчиларини ҳисоботлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида очилган тегишли бюджет ва ғазначилик ҳисоб рақамлари бўйича тушумлар ҳамда бюджет маблағларининг сарфланиши тўғрисидаги маълумотлар билан солиштириш йўли билан амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2017 йилдаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни ташқи аудит ва баҳолашдан ўтказиш натижасида, мазкур хулоса тайёрланди.

Хулосада Вазирлар Маҳкамаси томонидан Давлат бюджетининг 2017 йилдаги ижроси тўғрисидаги ҳисобот бўйича тақдим этилган асослар (тушунтириш) ҳамда айрим давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ҳисоботларига киритилган тузатишлар инобатга олинган.

II. ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ВА ДАВЛАТ МАҚСАДЛИ ЖАМҒАРМАЛАРИ БЮДЖЕТЛАРИНИНГ 2017 ЙИЛДАГИ ИЖРОСИ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТИНИ ТАШҚИ АУДИТИ НАТИЖАЛАРИ

1. Макроиктисодий кўрсаткичлар

Давлат бюджетининг 2017 йилги ижроси асосий макроиктисодий кўрсаткичларнинг барқарор ўсишини тавсифловчи ижтимоий-иктисодий ривожланиш шароитида амалга оширилган.

Жумладан, 2017 йилда ялпи ички маҳсулот ҳажми 5,3 фоизга, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 7 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми 2 фоизга, чакана савдо айланмаси 2,4 фоизга, хизматлар 8,9 фоизга ўсган.

Иқтисодиётда 2017 йил давомида эришилган ижобий-таркибий силжишлар, сифатли ўзгаришлар ва тенденциялар унинг барқарор ҳамда

балансли ривожланишини таъминлади, аҳоли бандлиги ва даромадининг ўсишига кўмаклашди, шунингдек, Давлат бюджетини йил бошида белгиланган 2 473,5 млрд.сўмлик дефицит ўрнига, 337,3 млрд.сўмлик профицит билан ижро этиш имконини берган.

2. Давлат бюджетининг даромад қисмининг ижроси

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг даромадлари 2017 йилдаги ижроси 49 681 027,3 млн.сўмни ёки аниқлаштирилган режа (48 476 000,0 млн.сўм) кўрсаткичларига нисбатан 102,5 фоизни ташкил этган.

Кўрсаткичлар	млн.сўм		
	Аниқлаш-тирилган режа	Касса ижроси	%
Даромадлар, давлат мақсадли жамғармаларисиз – жами	48 476 000,0	49 681 027,3	102,5
Бевосита солиқлар	11 365 130,0	11 539 402,6	101,5
юримдик шахсларнинг фойда солиғи	1 362 429,3	1 475 530,7	108,3
савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар	1 716 696,6	1 707 451,1	99,5
микрофирма, кичик ва бошқа корхоналар учун ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар	1 732 900,8	1 751 726,2	101,1
жисмоний шахслардан даромад солиғи	4 813 174,0	4 876 439,7	101,3
айрим тадбиркорлик фаолият турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ	1 043 213,4	1 042 782 ,1	100,0
Ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва ободонлаштириш солиғи	696 715,9	685 472,8	98,4
Билвосита солиқлар	25 724 858,7	26 133 244,1	101,6
қўшилган қиймат солиғи	14 544 162,3	14 685 796,3	101,0
акциз солиғи	7 292 335,9	7 449 202,9	102,2
божхона божи	1 573 651,7	1 707 373,9	108,5
транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ	1 809 643,2	1 784 512,4	98,6
абонент рақамидан фойдаланилганлик учун Давлат бюджетига ажратмалар	505 065,6	506 358,6	100,3
Ресурс тўловлари ва мол-мулк солиғи	6 457 389,9	6 867 401,8	106,3
мол-мулк солиғи	1 965 729,7	2 129 728,4	108,3
ер солиғи	1 087 725,1	1 091 777,8	100,4
ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ	3 241 219,5	3 474 139,5	107,2
сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	162 715,6	171 756,1	105,6
Қўшимча фойда солиғи	1 301 741,9	1 415 153,1	108,7
Бошқа даромадлар	3 626 879,5	3 725 825,4	102,7

Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг даромадлари 31 144 713,9 млн.сўм миқдорида ёки белгиланган режа кўрсаткичига нисбатан 100,8 фоиз, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг даромадлари ва Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетлари даромадлари 18 536 313,4 млн.сўм ёки белгиланган режа кўрсаткичи 105,5 фоизга бажарилган.

млн.сўм

Кўрсаткичлар	Аниқлаштирилган режа	Касса ижроси	%
Даромадлар- жами шу жумладан:	48 476 000,0	49 681 027,3	102,5
Ўзбекистон Республикаси республика бюджети	30 900 367,6	31 144 713,9	100,8
Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари (ўтказиб бериладиган даромадлар билан бирга)	17 575 632,4	18 536 313,4	105,5

Аудит жараёнида айрим вазирлик ва идоралар томонидан ундириладиган Давлат божлари, йиғимлар ва бошқа тўловларни Давлат бюджети ҳамда ваколатли органларни махсус ҳисоб рақамига тақсимлашда белгиланган меъёрларга амал қилинмаганлиги ва маблағлар тақсимоти нотўғри амалга оширилгани аниқланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 14 августдаги 626-сонли қарори билан йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун маъмурий жарималарнинг Ички ишлар вазирлиги махсус ҳисобрақамига ўтказиладиган қисми 8 дан 50 фоизга кўтарилган бўлсада, Молия вазирлиги ахборот тизимига мазкур ўзгартириш 19 августда киритилган. Натижада Ички ишлар вазирлиги махсус ҳисобрақамига ўтказилиши лозим бўлган 2 354,0 млн.сўм маблағ Давлат бюджети даромадига ўтказилган.

Шу каби камчиликларга Давлат солиқ кўмитаси (10 дан 25 фоизга), Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси (20 дан 40 фоизга), балиқчиликни ривожлантириш жамғармасига (12, 20 ва 40 дан 100 фоизга) ажратиладиган маблағлар бўйича ҳам йўл қўйилиши ҳисобига Давлат бюджети даромадига жами 3 359,6 млн.сўм маблағ ортиқча ўтказилган.

Шунингдек, Ўсимликлар карантини давлат инспекциясининг (50 дан 25 фоизга) ва адлия органлари (12 дан 8 фоизга) махсус ҳисоб рақамларига ажратма миқдорини камайиши ўз вақтида ахборот тизимига киритилмагани ҳисобига жами 3 025,5 млн.сўм маблағ Давлат бюджетига кам ўтказилган.

Ортиқча (нотўғри) тўланган солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни қайтаришда белгиланган муддатларга риоя этилмаслиги натижасида 1 352,9 млн.сўм маблағ давлат бюджети даромадларида ортиқча акс эттирилган. Шу каби камчиликка йўл қўйилиши ҳисобига 8 419,9 млн.сўм маблағ Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларнинг тегишли даромад турларида тўғри акс эттирилиши таъминланмаган.

Шунингдек, Давлат бюджети даромадларининг ижроси бўйича давлат солиқ хизмати, молия ва ғазначилик органлари ўртасида тузилган солиштириш далолатномалари ва Давлат бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар ўртасида жами 90 та даромад тури бўйича 1 692,3 млн.сўм фарқлар аниқланди (32 та ҳолатда 553,5 млн.сўмга кўп, 58 та ҳолатда 1 138,8 млн.сўмга кам).

Юқоридаги камчиликлар Давлат бюджетининг 2017 йилги ҳисоботини ўзгартиришга сабаб бўлмади. Яъни, камчиликларни бартараф этиш бўйича амалга оширилган тузатишлар Давлат бюджетининг 2018 йилдаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирилади.

3. Давлат бюджети харажат қисмининг ижроси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 27 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-2699-сонли қарорига мувофиқ Давлат бюджети харажатларининг 2017 йил учун тасдиқланган режаси (давлат мақсадли жамғармаларисиз) 46 943 121,0 млн.сўмни ташкил этган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-3454-сонли қарорига мувофиқ Давлат бюджети харажатларининг аниқлаштирилган прогнози 49 090 000,0 млн.сўм этиб белгиланган.

млн.сўм

Кўрсаткичлар	Тасдиқланган режа	Аниқланган режа	%
Харажатлар, давлат мақсадли жамғармаларсиз – жами	46 943 121,0	49 090 000,0	4,6
Ижтимоий харажатлар	27 118 977,3	27 192 897,6	0,3
Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари – жами	26 768 977,3	26 978 867,6	0,8
<i>шундан:</i>			
Маориф	16 386 141,8	15 986 407,7	-2,4
<i>шундан, Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларини моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармасига ажратиладиган маблағлар</i>	642 845,0	580 082,7	-9,8
соғлиқни сақлаш	6 882 813,8	7 328 159,4	6,5
<i>шундан, Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларини моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармасига ажратиладиган маблағлар</i>	552 650,1	514 712,3	-6,9
Маданият ва спорт	481 065,9	737 071,8	53,2
Фан	278 067,8	278 434,2	0,1
Нафақалар, моддий ёрдам ва компенсация тўловлари	2 506 923,3	2 250 343,9	-10,2
Қишлоқ жойларда яқка тартибдаги уй-жойларни қуриш Дастурини биргалликда молиялаштириш кредит линияси	350 000,0	214 030,0	-38,8
ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш харажатлари	12 000,0	12 000,0	0,0
Иқтисодийга харажатлар	5 082 289,9	5 237 212,7	3,0
<i>шундан:</i>			
Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг сув хўжалиги корхоналари томонидан истеъмол қилинадиган электр энергияси тўловлари учун	1 618 137,8	1 680 149,5	3,8

Кўрсаткичлар	Тасдиқланган режа	Аниқланган режа	%
Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасига йўналтириладиган маблағлар	430 300,0	430 300,0	
кам ҳосилли ерларда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи фермер хўжалиқларини молиявий қўллаб-қувватлаш учун мақсадли маблағлар	300 000,0	300 000,0	
аҳоли пунктларида амалга оширилган ободонлаштириш ишлари	964 165,5	1 030 667,7	6,9
Марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштириш харажатлари	2 450 000,0	3 119 843,1	27,3
Давлат ҳокимияти, бошқарув органлари, адлия, суд ва прокуратура органларини сақлаш харажатлари	1 524 228,9	1 850 204,3	21,4
Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини сақлаш	563 055,1	507 968,8	-9,8
Вазирлар Маҳкамасининг заҳира жамғармаси, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг заҳира жамғармалари	148 400,0	323 063,0	117,7
Бошқа харажатлар	10 044 169,8	10 846 810,4	8,0

Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодексининг 144-моддасида давлат бюджети харажатларига унинг ижроси жараёнида Давлат бюджетининг тасдиқланган параметрларига нисбатан Давлат бюджети харажатларини 10 ва ундан ортиқ фоизга кўпайтиришни ёки камайитиришни назарда тутадиган ўзгартиришлар киритиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари томонидан амалга оширилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси (қуйи палата) томонидан 2017 йил 18 декабрда Вазирлар Маҳкамасининг тақдимномасига асосан бир қатор харажат моддаларининг параметрларига нисбатан 10 ва ундан ортиқ фоизга ўзгартириш киритиш тўғрисида 1368-III-сонли қарори қабул қилинган. Мазкур ҳолат бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг (юқори палата) 2017 йил 20 декабрдаги СҚ-258-III-сонли қарори қабул қилинган.

Қарорда Давлат бюджетини ижро этиш жараёнида марказлаштирилган инвестициялар учун харажатлар 23,0 фоиздан, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини сақлаш харажатлари 14,0 фоиздан, суд органларини, адлия органларини ва прокуратура органларини сақлаш харажатлари 15 фоиздан ортиқлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг заҳира жамғармалари харажатлари 2 баравардан зиёд кўпайганлиги, шунингдек уй-жой қурилишини молиялаштиришга доир кредит линиялари бўйича харажатларнинг 2 баравар камайиши бўйича тақдимнома киритилган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг касса харажатлари 2017 йилда 49 343 683,9 млн.сўмни ёки аниқлаштирилган режа кўрсаткичларига нисбатан 100,5 фоизни ташкил этгани қайд этилган.

Кўрсаткичлар	Аниқлаш-тирилган режа	Касса ижроси	%
Харажатлар, давлат мақсадли жамғармаларсиз – жами	49 090 000,0	49 343 683,9	100,5
Ижтимоий харажатлар	27 192 897,6	27 223 316,4	100,1
Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари – жами	26 978 867,6	27 009 286,4	100,1
<i>шундан:</i>			
Маориф	15 986 407,7	15 979 577,0	100,0
<i>шундан, Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларини моддий-техника базасини ривожлантириши жамғармасига ажратиладиган маблағлар</i>	580 082,7	580 082,7	100,0
соғлиқни сақлаш	7 028 159,4	7 330 008,8	100,0
<i>шундан, Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларини моддий-техника базасини ривожлантириши жамғармасига ажратиладиган маблағлар</i>	514 712,3	514 712,3	100,0
Маданият ва спорт	737 071,8	750 249,7	101,8
Фан	278 434,2	275 549,1	99,0
Нафақалар, моддий ёрдам ва компенсация тўловлари	2 250 343,9	2 238 386,3	99,5
Қишлоқ жойларда яқка тартибдаги уй-жойларни қуриш Дастурини биргаликда молиялаштириш кредит линияси	214 030,0	214 030,0	100,0
ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш харажатлари	12 000,0	12 000,0	100,0
Иқтисодийга харажатлар	5 237 212,7	5 280 740,2	100,8
<i>шундан:</i>			
Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг сув хўжалиги корхоналари томонидан истеъмол қилинадиган электр энергияси тўловлари учун	1 680 149,5	1 679 852,2	100,0
Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасига йўналтириладиган маблағлар	430 300,0	428 646,2	99,6
кам ҳосилли ерларда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи фермер хўжалиқларини молиявий қўллаб-қувватлаш учун мақсадли маблағлар	300 000,0	296 710,8	98,9
аҳоли пунктларида амалга оширилган ободонлаштириш ишлари	1 030 667,7	1 087 394,0	105,5
Марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштириш харажатлари	3 119 843,1	3 234 719,5	103,7
Давлат ҳокимияти, бошқарув органлари, адлия, суд ва прокуратура органларини сақлаш харажатлари	1 850 204,3	1 931 120,5	104,4
Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини сақлаш	507 968,8	498 553,9	98,1
Вазирлар Маҳкамасининг заҳира жамғармаси, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг заҳира жамғармалари	323 063,0	312 157,0	96,6
Бошқа харажатлар	10 846 810,4	10 851 076,5	100,0

Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг харажатлари 26 254 575,0 млн.сўмни ёки аниқлаштирилган режа кўрсаткичининг 99,6 фоизини, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, Тошкент шаҳри ва вилоятлар маҳаллий бюджетлари 23 089 108,9 млн.сўмни ёки 101,6 фоизни ташкил этган.

Кўрсаткичлар	Аниқлаштирилган режа	Касса ижроси	млн.сўм	
			микдори	%
Харажатлар - жами шу жумладан:	49 090 000,0	49 343 683,9		100,5
Ўзбекистон Республикаси республика бюджети	26 370 531,8	26 254 575,1		99,6
Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетлари	22 719 468,2	23 089 108,9		101,6

4. Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари даромадлари ва харажатларининг ижроси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 27 декабрдаги ПҚ-2699-сонли “Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги қарорида Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетларининг харажатлари 21 382 802,4 млн.сўмга тасдиқланган бўлиб, улар 17 915 419,6 млн.сўмлик даромад ва 2 070 296,9 млн.сўмлик Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан ўтказиб бериладиган даромадлар, 1 397 085,9 млн.сўмлик халқ таълими муассасаларининг иш ҳақи ва ягона ижтимоий тўловлари, ижтимоий нафақаларни молиялаштириш учун ажратилган субвенциялар ҳисобига қопланиши белгиланган. 2017 йилда ажратилган субвенциянинг жами миқдори 1 345 357,7 млн.сўмни ташкил этган.

Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодексининг 94-моддасида Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг лойиҳаларини тақчиллик билан ишлаб чиқишга йўл қўйилмасли белгиланган бўлиб, 2017 йил учун мазкур бюджет лойиҳаларида тақчиллик кўзда тутилмаган.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари даромад қисмининг ижроси (ўтказиб бериладиган даромадларсиз) хуудлар бўйича қуйидагиларни ташкил қилган:

Хуудлар	Аниқлаш-тирилган режа	Касса ижроси	млн.сўм	
			микдори	%
Даромадлар - жами	17 575 632,4	18 536 313,4	960 681,0	105,5
Қорақалпоғистон Республикаси	1 191 641,4	1 292 191,0	100 549,6	108,4
Андижон вилояти	1 203 549,8	1 264 771,5	61 221,7	105,1

Худудлар	Аниқлаштирилган режа	Касса ижроси	Бажарилиши	
			миқдори	%
Бухоро вилояти	1 226 966,5	1 335 613,5	108 647,0	108,9
Жиззах вилояти	667 309,0	715 395,1	48 086,1	107,2
Қашқадарё вилояти	1 696 737,8	1 786 632,3	89 894,4	105,3
Навоий вилояти	726 541,9	745 301,4	18 759,6	102,6
Наманган вилояти	979 764,6	1 032 116,0	52 351,4	105,3
Самарқанд вилояти	1 514 437,4	1 557 347,0	42 909,6	102,8
Сурхондарё вилояти	968 243,5	1 030 358,9	62 115,4	106,4
Сирдарё вилояти	538 556,8	568 508,8	29 951,9	105,6
Тошкент вилояти	1 701 728,9	1 774 953,1	73 224,2	104,3
Фарғона вилояти	2 045 519,5	2 110 852,8	65 333,3	103,2
Хоразм вилояти	839 488,1	881 377,5	41 889,3	105,0
Тошкент шаҳри	2 275 147,0	2 440 894,4	165 747,4	107,3

Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодексининг 99-моддасида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари қабул қилган қарорларга мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ўн иш куни ичида Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига умумдавлат солиқ тушумларидан ажратмаларнинг нормативларини тасдиқлаш бўйича қарорлар қабул қилиши кўрсатилган.

Аудит жараёнида умумдавлат солиқ тушумларидан ажратмаларнинг нормативларига амал қилиниши ўрганилганда, туман(шаҳар)лар бюджетидан 4 166,7 млн.сўм маблағ белгиланган нормативларга амал қилмасдан Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетига жалб қилинганлиги маълум бўлди. Ушбу фарқ Давлат бюджети ҳисоботининг умумий кўрсаткичларини ўзгаришига олиб келмайди.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети харажатлари 1 336 665,7 млн.сўмга оширилиб, дастлабки режадаги 21 382 802,5 млн.сўмдан 22 719 468,2 млн.сўмгача оширилган.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг касса харажатлар қуйидагиларни ташкил қилган:

Худудлар	Аниқлаштирилган режа	Касса ижроси	млн.сўм Бажарилиши	
			миқдори	%
Харажатлар - жами	22 719 468,2	23 089 108,9	369 640,7	101,6
Қорақалпоғистон Республикаси	1 568 853,7	1 616 703,3	47 849,5	103,0
Андижон вилояти	1 824 548,5	1 844 113,8	19 565,3	101,1

Худудлар	Аниқлаштирилган режа	Касса ижроси	Бажарилиши	
			микдори	%
Бухоро вилояти	1 321 806,5	1 344 078,2	22 271,7	101,7
Жиззах вилояти	1 066 654,9	1 083 873,2	17 218,2	101,6
Қашқадарё вилояти	1 916 894,2	1 937 325,3	20 431,1	101,1
Навоий вилояти	884 704,1	881 813,1	-2 891,0	99,7
Наманган вилояти	1 689 294,6	1 703 254,4	13 959,8	100,8
Самарқанд вилояти	2 381 812,2	2 396 800,9	14 988,6	100,6
Сирдарё вилояти	764 371,3	779 474,1	15 102,8	102,0
Сурхондарё вилояти	1 727 659,3	1 756 263,0	28 603,7	101,7
Тошкент вилояти	1 785 233,2	1 817 447,8	32 214,6	101,8
Фарғона вилояти	2 241 904,2	2 267 363,3	25 459,1	101,1
Хоразм вилояти	1 211 080,9	1 225 768,1	14 687,2	101,2
Тошкент шаҳри	2 334 650,5	2 434 830,5	100 180,0	104,3

Аудит жараёнида Давлат бюджети ҳисоботини тузишда айти бир турдаги харажатни иқтисодий жиҳатдан турли хилда таснифланганлиги, яъни ҳисоботда:

- Навоий ва Жиззах вилоятларининг маҳаллий бюджетидан Осиё тараққиёт банкининг кредит линиялари ҳисобидан жалб қилинган маблағни тўлаш учун сувоқова корхоналарига ажратилган 1 078 млн.сўм бошқа харажат сифатида;

- Сирдарё ва Хоразм вилоятларининг маҳаллий бюджетидан юқоридаги мақсадлар учун ажратилган 2 775,1 млн.сўм маблағ микдоридagi маблағ эса халқаро ташкилотлар кредитларини қайтариш харажатлари сифатида акс эттирилган.

5. Давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси

5.1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси прогноз параметрларининг ижроси

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг 2017 йилда жами даромадлари 20 018 172,7 млн.сўмни, касса харажатлари эса 16 622 042,4 млн.сўмни ёки аниқлаштирилган режага нисбатан 99,9 фоизни ташкил этган.

млн.сўм

Кўрсаткичлар	Аниқлаштирилган режа	Касса ижроси	%
Даромадлар – жами	19 678 662,3	20 018 172,7	101,7
Йил бошидаги қолдиқ	2 310 662,3	2 310 662,3	
Даромадлар	17 368 000,0	17 707 510,4	102,0
Ягона ижтимоий тўловдан ажратмалар	10 226 000,0	10 280 547,1	100,5
Фуқароларни мажбурий суғурта бадаллари	3 867 900,0	3 940 607,3	101,9
Маҳсулот (иш, хизмат)лар реализация қилинган ҳажмдан мажбурий	1 688 900,0	1 804 877,7	106,9

Кўрсаткичлар	Аниқлаш-тирилган режа	Касса ижроси	%
ажратмалар			
Бошқа даромадлар	1 567 200,0	1 618 430,0	103,3
Бошқа солиқсиз тушумлар	18 000,0	63 048,4	350,3
Харажатлар - жами	16 633 000,0	16 622 042,4	99,9
Ишламайдиган пенсионерларга пенсия ва нафақа тўловлари	15 960 000,0	15 958 542,4	100,0
Ишлайдиган пенсионерларга пенсия ва нафақа тўловлари	487 000,0	486 648,9	99,9
Кекса ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга нафақалар, дафн нафақалар ҳамда бошқа тўловлар	176 000,0	175 685,8	99,8
Бошқа харажатлар	10 000,0	1 165,3	11,7
Йил якуни бўйича маблағлар қолдиғи	3 045 662,3	3 396 130,3	

Аудит жараёнида ҳисобот Молия вазирлиги ахборот тизимидаги маълумотлар билан солиштирилганда фарқлар аниқланмади.

Жамғармага Республика бюджетидан ажратилган ва “Ўзбекнефтгаз” АЖ таркибидаги нефтбазалар томонидан молиялаштириладиган пенсия харажатлари учун 1 092 771,3 млн.сўм тушган бўлиб, ушбу манба ҳисобидан тўланган пенсия ва нафақа тўловлари миқдори 1 092 942,1 млн.сўмни ташкил этган. Ушбу манба бўйича келиб тушган даромад ва харажат бўйича фарқлар аниқланмаган.

5.2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси прогноз параметрларининг ижроси

Вазирлар Маҳкамаси томонидан тақдим этилган ҳисоботда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармасининг 2017 йилда жами даромадлари 3 821 315,8 млн.сўмни ёки режага нисбатан 111,5 фоизни, касса харажатлари эса 3 097 161,4 млн.сўмни ёки режага нисбатан 92,7 фоизни ташкил этгани қайд этилган.

Кўрсаткичлар	млн.сўм		
	Аниқлаш-тирилган режа	Касса ижроси	%
Даромадлар – жами	3 428 180,0	3 821 315,8	111,5
Йил бошига қолдиқ	365 700,0	413 258,1	
Даромадлар	3 062 480,0	3 408 057,7	111,3
Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) сотишдан мажбурий ажратмалар	1 866 280,0	1 866 101,8	100,0
Автотранспорт воситалари олинганлиги ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинчалик олиб кирилганлиги учун ушбу воситаларнинг	550 000,0	611 815,4	111,2

Кўрсаткичлар	Аниқлаш-тирилган режа	Касса ижроси	%
эгалари (фойдаланувчилари) томонидан Ўзбекистон Республикаси ИИБ органларида рўйхатдан ўтказиш чоғида тўланадиган йиғим			
Чет эл давлатлари автотранспорт воситаларини республика ҳудудига кириши ва республика ҳудудидан ўтиши учун йиғим	67 500,0	83 478,1	123,7
Халқаро молия институтлари қарзлари	536 700,0	325 792,2	60,7
Бошқа тушумлар	42 000,0	520 870,2	1 240,2
Харажатлар - жами	3 340 968,2	3 097 161,4	92,7
Умумий фойдаланишдаги йўлларни лойиҳалаш харажатлари	9 077,6	9 077,6	100,0
Умумий фойдаланишдаги йўлларни қуриш ва реконструкция қилиш харажатлари	1 715 112,9	1 471 306,1	85,8
<i>шу жумладан</i>			
Халқаро молия институтлари харажатлари	569 599,0	325 792,2	57,2
РЙЖ маблағлари ҳисобидан	1 145 513,9	1 145 513,9	100,0
Умумий фойдаланишдаги йўлларни таъмирлаш ва сақлаш харажатлари	1 055 737,0	1 055 737,0	100,0
Умумфойдаланишдаги автомобиль йўлларини сақлаш учун машина ва механизмларни харид қилиш харажатлари	125 573,1	125 573,1	100,0
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси бошқарув аппаратини сақлаш харажатлари	5 060,2	5 060,2	100,0
Автомобиль йўллари давлат қўмитаси бошқарув аппаратини сақлаш харажатлари	5 648,2	5 648,2	100,0
Автомобиль йўллари давлат қўмитасига қарашли ҳудудий йўллардан фойдаланиш ташкилотлари бошқарув аппаратини сақлаш харажатлари	27 468,3	27 468,3	100,0
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш Давлат инспекциясини сақлаш харажатлари	3 056,4	3 083,7	100,9
Табиий офатларни олдини олиш учун захира	66 958,9	66 958,9	100,0
Давлат Божхона қўмитаси ва хизмат кўрсатувчи банклар билан ўзаро ҳамкорлик бўйича тузилган шартномаларни бажариш бўйича харажатлар	473,8	473,8	100,0
Бошқа харажатлар	326 801,7	326 774,4	100,0
Йил якуни бўйича маблағлар қолдиғи		724 154,4	

Ҳисоб палатасига Вазирлар Маҳкамаси томонидан тегишли тузатишлар киритилган ҳолда тақдим этилган ҳисобот Молия вазирлиги ахборот тизимидаги маълумотлар билан солиштирилганда фарқлар аниқланмади.

5.3. Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш жамғармаси прогноз параметрларининг ижроси

Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш жамғармаси жами даромадлари 238 793,6 млн.сўмни, касса харажатлари эса 156 524,3 млн.сўмни ёки режага нисбатан 161,4 фоизни ташкил этган:

Кўрсаткичлар	Режа	Касса ижроси	млн.сўм
			%
Даромадлар - жами	105 000,0	238 793,6	227,4
Йил бошига қолдиқ	8 000,0	10 512,4	
Даромадлар	97 000,0	228 281,3	235,3
Акциялар сотилишидан	3 000,0	-	
Ер участкалари сотилишидан	4 000,0	31 207,2	780,2
Бошқа давлат мулкани сотилишидан	88 000,0	162 268,8	184,4
Давлат мулки ижарасидан	-	25 634,0	
Бошқа даромадлар	2 000,0	9 171,2	458,6
Харажатлар - жами	97 000,0	156 524,3	161,4
Республика бюджетига	45 000,0	37 274,9	82,8
Маҳаллий ҳокимликларга	16 420,0	13 565,5	82,6
Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун тижорат банкларига	-	6 170,0	
Савдо саноат палатасига	2 630,0	3 005,5	114,3
Қўмита ва унинг ҳудудий бошқармаларига	3 000,0	6 474,0	215,8
Президент ва Ҳукуматнинг қарорларига асосан ва бошқа харажатлар	29 950,0	90 034,5	300,6
Йил якуни бўйича маблағлар қолдиғи	8 000,0	82 269,3	

Аудит жараёнида ҳисобот Молия вазирлиги ахборот тизимидаги маълумотлар билан солиштирилганда фарқлар аниқланмади.

5.4. Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси прогноз параметрларининг ижроси

Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси жами даромадлари 59 403,8 млн.сўмни, касса харажатлари эса 53 768,7 млн.сўмни ёки режага нисбатан 91,4 фоизни ташкил этган:

Кўрсаткичлар	Режа	Касса ижроси	млн.сўм
			%
Даромадлар – жами		59 403,8	
Йил бошидаги қолдиқ		3 920,5	
Даромадлар	50 317,7	55 483,3	110,3
Корхона ва ташкилотларнинг иш ҳақи фондидан ажратма	45 178,9	44 589,4	98,7
Пеня ва жарималар ҳисобидан тушумлар	2 881,2	2 432,8	84,4
Бошқа даромадлар	2 257,6	8 461,1	374,8
Харажатлар - жами	58 813,4	53 768,7	91,4

Кўрсаткичлар	Режа	Касса ижроси	%
Ишсизларни касбга тайёрлаш харажатлари	5 902,8	5 047,0	85,5
Ишсизларни жамоат ишларига жалб қилиш харажатлари	683,9	517,2	75,6
Ишсизлик нафақаси	3 244,1	2 801,7	86,4
Ишсиз фуқароларга муддатидан олдин тўланадиган пенсия	196,9	165,9	84,3
БКМ ҳамда бюроларни сақлаш харажатлари	43 702,0	39 465,0	90,3
Моддий рағбатлантиришга 5 фоизли ажратма	3 195,5	2 972,6	93,0
Бошқа харажатлар	1 888,2	2 799,3	148,3
Йил якуни бўйича маблағлар қолдиғи		5 635,1	

Ҳисоб палатасига Вазирлар Маҳкамаси томонидан тегишли тузатишлар киритилган ҳолда тақдим этилган ҳисобот Молия вазирлиги ахборот тизимидаги маълумотлар билан солиштирилганда фарқлар аниқланмади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 10 июлдаги 482-сон қарори билан тасдиқланган Жамғарманинг маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом 9-бандида Бандлик жамғармасининг ягона ижтимоий тўлов ва бошқа манбалар ҳисобига шакллантириладиган маблағларининг етмиш фоизи Қорақалпоғистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бандлик бош бошқармалари тасарруфида қолиши ҳамда улар келгусида аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари ўртасида қайта тақсимланиши, ўттиз фоизи эса - Қорақалпоғистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, тегишли ҳудудий бандлик бош бошқармалари томонидан тўлов ҳужжати орқали ўтказилиб, марказлашган ҳолда республика даражасида жамланиши кўрсатилган.

Қорақалпоғистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бандлик бош бошқармалари томонидан ушбу меъёр талабларига риоя этилиши ўрганилганда 2017 йилда жами 799,5 млн.сўм маблағ Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасининг республика даражасига ўтказиб берилмагани маълум бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 6 апрелдаги ПҚ-616-сонли қарори билан тасдиқланган Меҳнат органлари ходимларининг меҳнатини рағбатлантириш ҳамда моддий-техника базасини мустаҳкамлаш жамғармаси тўғрисидаги низомнинг 3-бандида мазкур Жамғарма Бандликка кўмаклашувчи давлат жамғармаси маблағларининг 5 фоизи ва қонунчиликка мувофиқ бошқа тушумлар ҳисобидан шакллантирилиши белгиланган.

Ўтказилган аудит жараёнида 2017 йилда меҳнат органлари томонидан Меҳнат органлари ходимларининг меҳнатини рағбатлантириш ҳамда моддий-техника базасини мустаҳкамлаш жамғармасига Бандликка кўмаклашувчи давлат жамғармасидан вазирлик бўйича жами 317,6 млн.сўм белгиланган миқдордан ортиқча маблағ ўтказилганлиги аниқланди.

Хусусан, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигинининг марказий аппарати (115,7 млн.сўм), Тошкент шаҳар (307,0 млн.сўм), Тошкент (18,6 млн.сўм), Навоий (3,9 млн.сўм) ва Хоразм вилоятлари томонидан жами 447,4 млн.сўм ортиқча маблағ ўтказилган бўлиб, Қорақалпоғистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва бошқа вилоятлар бош бошқармалари томонидан 129,8 млн.сўм кам маблағ ўтказилган.

5.5.Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси прогноз параметрларининг ижроси

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармасининг 2017 йил жами даромадлари 2 249 771,6 млн.сўмни, касса харажатлари эса 1 750 088,1 млн.сўмни ёки режага нисбатан 85,3 фоизни ташкил этган:

Кўрсаткичлар	млн.сўм		
	Аниқлаш-тирилган режа	Касса ижроси	%
Даромадлар - жами	2 062 341,7	2 249 771,6	109,1
Йил бошидаги қолдиқ	10 710,7	173 618,7	
Даромадлар	2 051 631,0	2 076 152,9	101,2
Жамғармага мажбурий ажратмалар	940 636,0	964 257,6	102,5
Таълим ва соғлиқни сақлаш харажатлари ҳисобидан алоҳида сатрда ажратиладиган Давлат бюджети маблағлари	1 094 795,0	1 094 795,0	100,0
Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳоқимликлари маблағлари ҳисобидан тушумлар	14 000,0	13 172,0	94,1
Бошқа тушумлар	2 200	3 928,3	178,6
Харажатлар - жами	2 051 646,8	1 750 088,1	85,3
Қурилиш, реконструкция, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш (қайта жиҳозлаш) – жами	1 999 001,4	1 619 654,8	81,0
шу жумладан:			
Мактабгача таълим муассасалари – жами	255 829,4	237 422,8	92,8
янги қуриш	2 691,0	2 544,6	94,6
реконструкция	123 026,9	109 315,0	88,9
мукамал таъмирлаш	127 637,0	125 563,1	98,4
келгуси йил харажатлари	2 474,4		
умумтаълим мактабларга - жами	701 956,2	577 787,3	82,3
янги қурилиш	46 322,3	45 979,7	99,3
реконструкция	421 217,8	324 716,0	77,1
мукамал таъмирлаш	162 863,1	147 116,0	90,3
келгуси давр лойиҳа-қидирув ишлари	4 403,4		
жиҳозлаш (қайта жиҳозлаш)	67 149,6	59 975,6	89,3
касб-хунар коллежлари ва академик лицейларга - жами	75 764,5	60 468,7	79,8
реконструкция	34 851,1	25 305,7	72,6

Кўрсаткичлар	Аниқлаш-тирилган режа	Касса ижроси	%
мукамал таъмирлаш	38 363,4	35 163,0	91,7
келгуси давр лойиҳа-қидирув ишлари	2 550,0		
тиббиёт муассасаларига - жами	528 460,2	423 875,3	80,2
реконструкция	434 636,6	382 093,4	87,9
мукамал таъмирлаш	19 643,6	17 849,3	90,9
келгуси давр лойиҳа-қидирув ишлари	11 980,0		
жиҳозлаш (қайта жиҳозлаш)	62 200,0	23 932,6	38,5
Болалар мусиқа ва санъат мактабларига - жами	47 391,1	25 561,1	53,9
янги қуриш	13 500,0	13 295,7	98,5
реконструкция	17 569,1	12 265,4	69,8
жиҳозлаш (қайта жиҳозлаш)	16 322,0		
Олий таълим муассасалари – жами	389 600,0	294 539,6	75,6
янги қуриш ва реконструкция	302 900,0	264 519,8	87,3
мукамал таъмирлаш	18 000,0	16 274,8	90,4
келгуси йил харажатлари	3 500,0		
жиҳозлаш (қайта жиҳозлаш)	64 782,0	13 326,9	20,6
“Истеъдод” жамғармаси	418,0	418,0	100,0
Умумтаълим мактабларида спорт заллари қуриш ва реконструкция қилиш	52 645,4		
Олдинги йиллар дастурлари асосида имзоланган шартномалар бўйича ҳисоб-китобларни яқунлаш учун йилдан-йилга ўтувчи харажатлар		130 433,3	
Йил якуни бўйича маблағлар қолдиғи	10 694,9	499 683,5	

Аудит жараёнида ҳисобот Молия вазирлиги ахборот тизимидаги маълумотлар билан солиштирилганда фарқлар аниқланмади.

5.6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси прогноз параметрларининг ижроси

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасининг жами даромадлари 453 795,6 млн.сўмни, касса харажатлари эса 453 795,6 млн.сўмни ёки режага нисбатан 99,7 фоизни ташкил этган:

млн.сўм

Кўрсаткичлар	Аниқлаш-тирилган режа	Касса ижроси	%
Даромадлар – жами	455 000,0	453 795,6	99,7
Йил бошидаги қолдиқ			
Даромадлар	455 000,0	453 795,6	99,7
ягона ер солиғи ҳисобидан тушумлар	197 800,0	197 800,0	100,0
мақсадли бюджет маблағлари	232 500,0	230 846,2	99,3

Кўрсаткичлар	Аниқлаш-тирилган режа	Касса ижроси	%
“Ўзмелиомашлизинг” ДЛКга ажратилган қарз маблағларнинг қайтарилиши	24 700,0	24 700,1	100,0
бошқа даромадлар		449,3	
Харажатлар - жами	455 000,0	453 795,6	99,7
Мелиоратив тизимларни қуриш ва тиклаш ишлари	409 000	408 025,6	99,8
<i>қуриш ва реконструкция қилишига</i>	198 000,0	197 618,2	99,8
<i>таъмирлаш ва таъмирлаш-тиклаш ишларига</i>	211 000,0	210 407,4	99,7
Мелиоратив техника паркани янгилаш	42 000,0	42 000,0	100,0
Томчилатиб суғориш тизимини жорий қилиш			
Жамғармани бошқариш Департаментини сақлаш харажатлари	4 000,0	3 770,0	94,3
Йил якуни бўйича маблағлар қолдиғи			

Аудит жараёнида ҳисобот Молия вазирлиги ахборот тизимидаги маълумотлар билан солиштирилганда фарқлар аниқланмади.

III. ХУЛОСА

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2017 йилдаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботини ташқи аудит якунларига кўра Ҳисоб палатаси Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармаларининг бюджет ҳисобрақамлари бўйича жами олинган даромадлари ҳамда амалга оширилган касса харажатлари умуман олганда тўлиқ акс эттирилган деб ҳисоблайди.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2017 йилдаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тавсия этилади.